

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

Маъруза: Жиноятларни юридик ва фактик хатолар бўйича квалификация қилиш
(11-мавзу) – 1 соат

Маърузачи: Б.Ж.Ахраров

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади жиноят ҳукукида хатонинг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти, юридик хато турларининг қилмишнинг квалификациясига таъсири, фактик хато турларининг қилмишни квалификация қилишдаги таъсири, жиноят объектига ва предметиға нисбатан хатони квалификация қилиш, содир этилган ҳаракатнинг хусусиятиға нисбатан хатони квалификация қилиш, оқибатнинг оғирлиғиға нисбатан хатони, сабабий боғланишнинг ривожланишиға нисбатан хатони ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларға нисбатан хатони квалификация қилиш қоидаларини талабаларға чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибаға эға бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, муайян жиноятнинг юридик таҳлили бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришға эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасиға эға бўлади.

2. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати;
умумий ва махсус нормалар рақобати;
бутун ва қисм нормалари рақобати.

3. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиғи, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалға ошириляётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуағи асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртаға ташланади ва уларға баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эштилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйға топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузаға якун ясалади.

Маъруза жараёнида талабалар мунозараси ўқитувчининг раҳбарлиғида маърузанинг қуйида кўрсатилган кўринишларида олиб борилиши мумкин: кириш маъруза, шарҳловчи маъруза, маъруза ахборот, муаммоли маъруза, визуал маъруза ва ҳк.

Маърузалар тегишли мавзулар юзасидан гиперслайдларни талабаларға намойиш этиш орқали ўтилади. Дарс жараёнида компьютер ва мультимедиади қурилмалар: ноутбук, проектор каби дидактик воситалардан фойдаланилади.

Ушбу мавзу билан танишиш талабада юридик ва фактик хато мавжуд бўлганда жиноятларни квалификация қилишнинг асосий қоидаларини ўзлаштиришға ёрдам беради.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жиноят қонуни принципида ҳар бир шахсни ҳақиқатдан содир этган ҳаракати учун жавоб беришини кўрсатади. ЖК 21, 22-моддаларида кўрсатилган айбланувчини тафаккури ва иродасида келиб чиққан: ижтимоий хавфли ҳаракатнинг фактик аҳамияти, жиноят ҳуқуқий аҳамиятига эга эканлиги, келажақда содир бўладиган ижтимоий хавфли ҳаракатга, хоҳиш, йўл қўйиб бериш, аҳамияти, жабрланувчига зарар етказмаслигига умид боғлаши ҳисобланади.

Реал ҳаётда муаммолар тартиби шахс қачонки ижтимоий ва характерида келиб чиққан муносабатларда бир вақтда камдан кам янглишади. Бундай ҳоллар жиноят ҳуқуқига хато деб юритилади. Шунга кўра жиноят ҳуқуқида хато- шахс ҳақиқатан ҳам (жабрланувчига нисбатан) ёки фактик хато (хусусиятига кўра) хато қилишдир.

Хато фактик ва юридик бўлади:

Юридик хато- бу шахснинг нотўғри тасаввури ва юридик оқибат вужудга келиши.

Хатонинг бир нечта турлари мавжуд:

А) шахс ҳаракатини жиноят тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлади;

Б) шахс ўз ҳаракатларини жиноят деб ҳисобламайди. Жиноят аломатлари бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади;

В) шахс содир этган ҳаракати хато бўлади. (ЖК модда, қисм, бандларига кўра);

Г) қилаётган ҳаракатига нисбатан нотўғри кўришини ва шакли.

Юридик хато жиноят ҳуқуқи билан баҳоланишда аҳамиятга эга.

Фактик хато- бу жиноятнинг объектив белгиси ҳолатлари тўғрисида нотўғри тушунчага эга эканлигида ифодаланади. Назарияда фактик хато бир нечта кўринишда мавжуд. Объектга нисбатан хатода субъект ижтимоий ва юридик кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан хато қилиши тушунилади. Масалан, шахс аптекадан наркотик модда ўғирладим деб дори ўғирлайди. Бу наркотик бўлмайди.

Предметга нисбатан хатода айбланувчи шахсни ўлдиради, лекин ўлган одам у ўлдирмоқчи бўлган одам бўлмайди, яъни бошқа одамни ўлдирган бўлади. Бу ҳол квалификация қилишда жиноий жавобгарликдан озод қилмайди ва содир этилган жиноят қасддан одам ўлдириш деб топилади. Чунки хатонинг бу тури мавжуд бўлганда қилмиш қасднинг йўналиши бўйича квалификация қилинади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Жиноят ҳуқуқида хатонинг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти.
2. Юридик хато турларининг қилмишнинг квалификациясига таъсири.
3. Фактик хато турларининг қилмишни квалификация қилишдаги таъсири.
4. Жиноят объектига ва предметига нисбатан хатони квалификация қилиш.
5. Содир этилган ҳаракатнинг хусусиятига нисбатан хатони квалификация қилиш.
6. Оқибатнинг оғирлигига нисбатан хатони, сабабий боғланишнинг ривожланишига нисбатан хатони ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хатони квалификация қилиш қоидалари.

6.КАЗУСЛАР:

1-КЕЙС

9 этажда яшовчи А. 1 этажда яшовчи В.нинг қизини номусига тегади. Бундан хабар топган В. А.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб уни ётоқхонада кўрпага ўралиб ётганлигини кўради ва А.нинг орқасидан 5 марта пичоқ тикади. Шундан сўнг қилмишига пушаймон бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради. Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, А. воқеа содир бўлишидан 2 соат олдин юрак хуружидан вафот этган бўлади. Мазкур ҳолат хатонинг қайси турига киради.

2-КЕЙС

Туман судининг қарори билан 16 ёшли А. ва 14 ёшли Б. ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “е” банди билан уч йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Юқори турувчи суд уларнинг ҳаракатини ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан қайта квалификация қилди, жазони эса ўзгаришсиз қолдирди. А. ва Б.нинг ёшини ҳисобга олган ҳолда 277-модда 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортиш қонунда асосланганми?

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Ирқоходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДЮИ, 2006. - 76 б.
2. Кабулов Р. Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Р.Кабулов, А.А.Отажонов, И.А.Соттиев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 291 б.
3. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
4. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
5. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2006. – 608 б.
6. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 664 б.